

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАБАЕВА ГУЛНАРА УСМАНБАЕВНА**

**ТОҒ ДАРЁЛАРИ МУАЛЛАҚ ОҚИЗИҚЛАРИНИНГ ГЕНЕТИК  
ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**11.00.03 – Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2026**

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on geographical sciences**

**Жумабаева Гулнара Усманбаевна**

Тоғ дарёлари муаллақ оқизикларининг генетик таҳлили ва уларни  
ҳисоблаш усуллари такомиллаштириш..... 3

**Жумабаева Гулнара Усманбаевна**

Усовершенствование методов генетического анализа и расчёта стока  
взвешенных наносов горных рек..... 21

**Jumabayeva Gulnara Usmanbayevna**

Genetic analysis of suspended sediments of mountain rivers and  
improvement of methods for their calculation..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works ..... 43**

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАБАЕВА ГУЛНАРА УСМАНБАЕВНА**

**ТОҒ ДАРЁЛАРИ МУАЛЛАҚ ОҚИЗИҚЛАРИНИНГ ГЕНЕТИК  
ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**11.00.03 – Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2026**

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.4.PhD/Gr418 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.nigmi.uz](http://www.nigmi.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хикматов Фазлиддин**  
география фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Муродов Шухрат Одилович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Хожамуратова Роза Тажимуратовна**  
география фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**


Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «7» апрель соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998)712358512, факс: (+998)712371319; E-mail: [info@nigmi.uz](mailto:info@nigmi.uz)).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техник кутубхонасида танишиш мумкин (№236 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўча, 72. Тел.: (+998)712358512, факс: (+998)712371319.


Диссертация автореферати 2026 йил «23» Март куни тарқатилди.  
(2026 йил «23» Март даги 18 рақамли реестр баённомаси).



**Б.М.Холматжанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор



**Б.У.Ишонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., кафта илмий ходим



**Д.М.Тургунов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда кечаётган глобал иқлим ўзгариши шароитида, дарёлар ҳавзаларида сув эрозияси жараёни жадаллашиб, дарёлар сувининг лойқалиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу борада БМТнинг Барқарор ривжланиш бўйича мақсадлари ҳақидаги маърузасида «Сувнинг юқори даражадаги лойқалиги инсон саломатлиги ва экотизимлар ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин»<sup>1</sup>, деб таъкидланган. Бу ҳолат тоғ дарёлари ҳавзаларида кечадиган сув эрозиясининг маҳсули - муаллақ оқизикларни генезиси бўйича таҳлил қилиш усулларини ҳамда уларни гидрологик ҳисоблашлар амалиётида қўллаш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида бугунги кунда сув эрозияси тадқиқотларига, жумладан, дарёларнинг ушбу жараён натижасида ҳосил бўладиган муаллақ оқизиклари генезисини аниқлаш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Шу билан боғлиқ ҳолда, дарёлар лойқа оқизиклари гидрологик режимини ўрганиш, уларни ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган изланишлар кенг миқёсда олиб борилмоқда. Айни пайтда, дарёлар ҳавзаларидан тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллигини ҳамда улар суви лойқалигини тезкор баҳолаш, лойқа оқизикларнинг сув омборлари, каналлар ва бошқа гидротехник иншоотлар эксплуатацияси режимига таъсиринини ўрганиш, дарёлар ҳавзаларида тупроқ-грунтлар ювилиши жадал суръатларда кечадиган зоналар – сув эрозияси ўчоқларини аниқлаш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари сув таъминотини ва уларнинг сифатини яхшилаш, дараёлар ҳавзаларида сув эрозиясининг олдини олиш, сув хўжалиги тизимларини эксплуатация қилиш самарадорлигини ошириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда ва муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ““Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармонида «Сув ресурсларини тежаш, республикада сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини ва сув ишлатиш самарадорлигини ошириш, ерларни эрозиядан сақлаш»<sup>2</sup> масалалари устувор мақсад сифатида белгиланган. Уларни бажаришда дарёлар лойқа оқизикларини генезиси бўйича таҳлил қилиш ва ҳисоблаш, сув эрозияси жадаллигини баҳолаш, бу жараён тез суръатларда кечаётган ҳудудларни аниқлаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сон, 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув

<sup>1</sup> Доклад ООН о целях в области устойчивого развития, 2021 год. Цель 6. Чистая вода и санитария. [www.unesco.org/water/wwar](http://www.unesco.org/water/wwar).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ““Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони. <https://lex.uz>.

хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сон, 2023 йил 11 сентябрдаги ““Ўзбекистон - 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-145-сон Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сув эрозиясининг маҳсули – дарёлар лойқа оқизикларини генезиси бўйича таҳлил қилиш усулини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштиришга оид фундаментал изланишлар R.E.Xorton, H.H.Bennett, A.Barat, N.L.Coleman, J.M.Jansen, R.B.Painter, V.A.Vanoni, W.D.Ellison, W.H.Wishmeier каби чет эллик олимлар томонидан бажарилган.

Собик Иттифоқ ва МДХ мамлакатларида мазкур масалалар тадқиқотига В.Г.Глушков, Б.В.Поляков, Г.И.Шамов, Г.В.Лопатин, Н.И.Маккавеев, Г.Н.Хмаладзе, К.С.Кабанова, А.В.Караушев, И.В.Боголюбова, К.Н.Лисицына, Г.И.Швебс, Р.С.Чалов, А.П.Дедков, В.И.Мозжерин, Н.И.Алексеевский, С.А.Ахундов ва бошқалар алоҳида эътибор қаратганлар.

Ўзбекистонда ушбу йўналишдаги илк фундаментал тадқиқотлар муаллифлари В.Л.Шульц, О.П.Щеглова, И.А.Ильин ва бошқалардир. Кейинчалик ушбу илмий йўналишни А.А.Хоназаров, Х.М.Маҳсудов, Ю.Н.Иванов, А.Р.Расулов, С.Р.Саидова, З.С.Сирлибаева кабилар давом эттирганлар. Ҳозирги кунда бу борада А.Н.Нигматов, А.М.Арифжанов, А.М.Фатхуллоев, Ф.Х.Хикматов, Д.П.Айтбаев, К.Р.Раҳмонов кабиларнинг изланишлари натижалари алоҳида ажралиб туради. Ушбу тадқиқотларда дарёлар ҳавзаларида кечадиган сув эрозияси жараёни ва унинг маҳсули – дарёлар муаллақ оқизикларининг ҳосил бўлиш қонуниятлари ўрганилган, уларни генезиси бўйича таҳлил қилиш усулининг бир қанча вариантлари ишлаб чиқилган.

Бироқ, юқоридаги тадқиқотларда дарёлар муаллақ оқизиклари оқимини генезиси бўйича таҳлил қилиш ишлари классик усулларда бажарилган. Мазкур диссертацияда ушбу масала, объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш усуллари кўллаш асосида такомиллаштирилган ва иш айнан шу жиҳатлари билан олдинги тадқиқотлардан фарқ қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф6-062 - «Орол денгизи ҳавзаси дарёлари муаллақ оқизиклари

ҳосил бўлиши қонуниятларини уларни ҳисоблаш ва прогнозлаш усулларини такомиллаштириш мақсадида тадқиқ этиш» (2007-2011 йй.) ва ОТ-Ф5-13 – «Иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистон ва унга туташ худудлардаги дарёлар гидрологик режими ва сув ресурсларининг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш» (2017-2020 йй.) мавзуларидаги фундаментал тадқиқотлар лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон ва унга туташ худудлардаги тоғ дарёлари муаллақ оқизиклари оқимини генезиси бўйича таҳлил қилиш усулини, корреляцион боғланишларни объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш усулларини қўллаш асосида, такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тоғ дарёлари муаллақ оқизиклари оқимини генезиси бўйича таҳлил қилишда объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш усулларини қўллашнинг назарий асосларини такомиллаштириш;

дарёлар муаллақ оқизиклари оқими билан иқлимий омиллар – ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинлари орасидаги кўпҳадли боғланишларни объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш усулларида баҳолаш;

иқлимий омилларнинг, жумладан, қишки (совуқ ярим йиллик) ва ёзги (илик ярим йиллик) ёғинлар ҳамда ёзги ҳаво ҳароратининг дарёлар лойқа оқизиклари оқимининг ҳосил бўлишига қўшган ҳиссаларини аниқлаш;

дарёлар муаллақ оқизиклари оқимининг ҳосил бўлишига турли иқлимий омиллар қўшган ҳиссаларининг улар ҳавзаларининг ўртача баландликларига боғлиқ ҳолда ўзгаришларини баҳолаш;

дарёлар муаллақ оқизикларини генезиси бўйича таҳлил қилиш усулининг янги вариантини ишлаб чиқиш ҳамда ГАТ технологияларини қўллаш асосида, дарёлар суви лойқалиги ва улар ҳавзаларидан тупроқ-грунтлар ювилишининг рақамли хариталарини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон ва унга туташ худудлардаги тоғ дарёлари ва уларнинг муаллақ оқизиклари оқими олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Ўзбекистон ва унга туташ худудлардаги тоғ дарёлари муаллақ оқизикларини иқлимий омилларга боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш ҳамда уларни генезиси бўйича таҳлил қилиш усулини такомиллаштириш масалалари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда географик ва гидрологик ўхшашлик, картография, замонавий гидрологик ҳисоблашлар, математик статистика ва эҳтимоллар назарияси, хусусан, дарёлар оқизиклари билан иқлимий омилларнинг кўпҳадли боғланишлар зичлигини баҳолашда ўзгарувчиларни объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

дарёлар ўртача йиллик, мавсумий ва ойлик муаллақ оқизиклари сарфлари ( $R$ , кг/с)нинг меъёрий ва экстремал (макс., мин.) кўрсаткичлари баҳоланган;

дарёлар муаллақ оқизиклари оқими ( $W_{RG}$ ,  $10^6$  т;  $W_{RV}$ ,  $10^6$  м<sup>3</sup>)ни миқдорий баҳолаш усуллари, уларнинг иқлимий омиллар билан кўп ҳадли боғланишлари

тенгламалари асосида, такомиллаштирилган;

дарёлар муаллақ оқизиклари оқимини генезиси бўйича таҳлил қилишнинг, объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш усуллари қўллашга асосланган, янги варианты ишлаб чиқилган;

дарёлар суви лойқалигининг, улар ҳавзаларининг ўртача баландликларига боғлиқ ҳолда, миқдорий ўзгаришлари баҳоланган ва дарёлар суви лойқалигининг рақамли харитаси тузилган;

дарёлар ҳавзаларининг турли баландлик зоналари юзаларидан тупроқ-грунтлар ювилишининг миқдорий кўрсаткичлари ( $M_R$ , т/км<sup>2</sup>·йил;  $h_R$ , мм;  $h_s$ , м/йил) аниқланган ва уларнинг рақамли хариталари ГАТ технологияларини қўллаш асосида яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

дарёлар муаллақ оқизиклари оқимининг ҳосил бўлишига иқлимий омиллар – мавсумий атмосфера ёғинлари, ҳаво ҳароратининг таъсирини статистик баҳолаш усули такомиллаштирилган;

тоғ дарёлари ҳавзалари юзаларидан тупроқ-грунтлар ювилиши жадал суръатларда кечадиган зоналар – сув эрозияси ўчоқлари аниқланган;

дарёлар муаллақ оқизиклари генезисини белгиловчи турли иқлимий омиллар ҳиссаларини баҳолаш усуллари такомиллаштирилган;

дарёлар муаллақ оқизикларининг ҳосил бўлишига турли иқлимий омиллар қўшган ҳиссаларининг, улар ҳавзаларининг ўртача баландликларига боғлиқ ҳолда, миқдорий ўзгаришлари аниқланган;

тоғ дарёлари муаллақ оқизикларини генезиси бўйича таҳлил қилиш усулининг, уларнинг иқлимий омиллар билан кўпхадли боғланишларига асосланган, янги варианты ишлаб чиқилган;

дарёлар сувининг лойқалиги ва улар ҳавзалари юзаларидан тупроқ-грунтлар ювилишининг рақамли хариталари тузилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқоти натижалари ва хулосаларнинг ишончлилиги унда Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ўзгидромет) тизимида ягона усулда амалга оширилган стандарт гидрометеорологик кузатиш маълумотларидан бирламчи манба сифатида фойдаланилганлиги, ушбу маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизими ҳамда ИСМИТИ ва ГМИТИ каби тармоқ илмий тадқиқот институтлари материаллари билан тўлдирилганлиги, шунингдек, уларни қайта ишлашда умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари қўлланилганлиги, ишда олинган натижаларнинг мазкур тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг маълумотлари билан мослиги ва амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти келгусида ишнинг асосий илмий хулосаларидан, хусусан, дарёлар лойқа оқизиклари миқдорий кўрсаткичларини ҳисоблашнинг такомиллаштирилган усуллари билан, дарёлар муаллақ оқизикларини генезиси бўйича таҳлил қилиш усулининг янги вариантдан бошқа тоғли ҳудудлар дарёлари муаллақ оқизикларини тадқиқ этишда,

шунингдек, дарёлар ҳавзаларида тупроқ-грунтлар ювилиши жадал суръатларда кечадиган зоналар – сув эрозияси ўчоқларини аниқлаш билан боғлиқ ҳолда бажариладиган гидрологик ҳисоблашлар усулларини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар, дарёлар муаллақ оқизиклари оқимини ҳисоблашнинг такомиллаштирилган усуллари ва бу жараёнда қўлланилган ёндашувларнинг бошқа тоғли ҳудудлар дарёлари лойқа оқизиклари миқдорий кўрсаткичларини баҳолашга, уларда қурилган сув омборлари, гидроузеллар ва каналларни лойқа оқизиклар билан тўлиб бориш жараёнлари жадаллигини прогноزلашга, шунингдек, тадқиқот материаллари эса республика олий таълим муассасаларининг тегишли бакалавриатура йўналишлари ва магистратура муҳахассисликлари ўқув жараёни сифатини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тоғ дарёлари муаллақ оқизикларининг генезиси бўйича таҳлили ва уларни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

дарёлар йиллик, мавсумий ва ойлик муаллақ оқизиклари сарфлари (R, кг/с)нинг меъёрий ва экстремал (максимал, минимал) қийматларини аниқлаш натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимида сув иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2025 йил 7 февралдаги 02/19-544-сон маълумотномаси). Натижада сув иншоотларини лойиҳалаш ишлари аниқлигини ошириш ва уларни самарали эксплуатация қилишнинг қўшимча имкониятлари яратилган;

дарёлар муаллақ оқизикларини миқдорий баҳолашнинг уларнинг иқлимий омиллар билан кўпҳадли боғланишлари асосида такомиллаштирилган усуллари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимида сув омборларининг лойқа оқизиклар билан тўлиб бориши жадаллигини баҳолашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2025 йил 7 февралдаги 02/19-544-сон маълумотномаси). Натижада сув омборлари косаларининг дарёларнинг лойқа оқизиклари билан тўлиб бориш жадаллигини тезкор ва янада аниқ баҳолаш имкониятлари яратилган;

дарёлар муаллақ оқизикларини генезиси бўйича таҳлил қилишнинг корреляцион боғланишларнинг объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш усулларини қўллаш асосида ишлаб чиқилган янги вариантдан «Картография» давлат илмий ишлаб чиқариш корхонаси (ДИИЧК)да “O‘zbekiston milliy atlası”нинг “Yer usti suvlari” бўлими мавзули рақамли хариталарини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 30 мартдаги 08-02385-сон маълумотномаси). Натижада сув омборларини лойқа оқизиклар билан тўлиб бориши жадаллигини баҳолаш аниқлигини ошириш имкониятлари яратилган;

дарёлар суви лойқалигининг улар ҳавзаларининг ўртача баландликларига

боғлиқ ҳолда ўзгаришларини баҳолаш натижаларидан «Картография» ДИИЧКда “O‘zbekiston milliy atlası”нинг “Daryolar suvining loyqaligi. M 1:5000000” рақамли харитасини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 30 мартдаги 08-02385-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги тоғ дарёлари суви сифатининг асосий кўрсаткичларидан бири - лойқаликни тезкор аниқлаш имконияти яратилган;

дарёлар ҳавзалари юзаларидан тупроқ-грунтлар ювилишининг миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш натижаларидан «Картография» ДИИЧКда “O‘zbekiston milliy atlası”нинг «Daryolar havzalaridan tuproq-gruntlar yuvilishi: Chirchiq daryosi havzasi. M 1:950000; Ohangaron daryosi havzasi. M 1:550000; Surxondaryo va Sherobod daryolari havzalari. M 1:1000000” рақамли хариталарини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 30 мартдаги 08-02385-сонли маълумотномаси). Натижада гидротехник иншоотларни лойиҳалаш, куриш ва уларни эксплуатация қилиш ишлари самарадорлигини оширишнинг кўшимча имкониятлари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг асосий натижалари 12 та ҳалқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 8 та мақола, жумладан, 6 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, ишнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги қайд этилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баҳоланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби “Тоғ дарёлари муаллақ оқизиклари оқимини ўрганишнинг илмий-амалий аҳамияти ва ҳозирги ҳолати”** деб номланади. Мазкур бобда, дастлаб, тоғ дарёлари муаллақ оқизикларини тадқиқ этишнинг илмий-амалий аҳамияти ва муаммони ўрганишнинг ҳозирги ҳолати ёритилган. Сўнг дарёлар лойқа оқизикларининг ҳосил бўлишига

таъсир этувчи табиий ва антропоген омиллар кўриб чиқилган. Бобнинг якунида асосий эътибор дарёлар муаллақ оқизикларининг шаклланишига иқлимий омилларнинг таъсири масалаларига қаратилган.

Дарёлар муаллақ оқизиклари режимини ўрганиш, уларни генезиси бўйича таҳлил қилишнинг илмий ва амалий аҳамияти кўйидагиларда акс этади: 1) дарёларнинг муаллақ оқизиклари улар ҳавзаларининг табиий шароити, геологик тузилиши, тупроқ-грунтлари ҳақида муҳим гидрологик ахборот манбаи ҳисобланади; 2) дарёларнинг муаллақ ва ўзан туби оқизиклари режими улар гидрологик режимининг асосий таркибий қисмларидан биридир; 3) лойқа оқизиклар – дарёлар, сув омборлари ва каналлар ўзанларида кечадиган ўзан жараёнлари режимини белгилайди; 4) дарёларнинг муаллақ оқизиклари оқими микдорларининг йиллараро тебраниши ҳамда йил давомида ойлар ва мавсумлар бўйича тақсимланиши, гранулометриқ таркиби ҳақидаги маълумотлар гидротехник ва сув хўжалиги иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда ўта зарур гидрологик кўрсаткичлар ҳисобланади; 5) дарёларнинг лойқа оқизиклари қурилиш, саноат ишлаб чиқаришининг кўплаб соҳаларида ноёб хом-ашёдир.

Дарёлар муаллақ оқизикларининг ҳосил бўлиши, уларнинг ўзанда ҳаракатланиши ва чўкиши қонуниятлари, В.Л.Шульц, О.П.Щеглова, Н.И.Алексеевский, С.А.Ахундов, И.В.Боголюбова, Ш.В.Джоашвили, Ю.Н.Иванов, К.С.Кабанова, А.В.Караушев, Б.Т.Кирста, А.А.Либерт, К.Н.Лисицина, Г.В.Лопатин, Н.И.Маккавеев, Ц.Е.Мирцхулава, М.Я.Приткова, А.Р.Расулов, С.Р.Саидова, А.И.Степанова, З.С.Сирлибаева, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Р.С.Чалов, Г.И.Швебс ва бошқаларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган. Мазкур тадқиқотларнинг натижалари туфайли, ҳозирги кунда, гидрологиянинг “Дарёлар оқизиклари ҳақида таълимот”, “Ўзаншунослик” каби янги илмий йўналишлари шаклланган.

Диссертацияда тоғ дарёлари муаллақ оқизикларининг ҳосил бўлишига таъсир этувчи табиий омиллар тўрт гуруҳга бўлиб ўрганилган. Уларнинг биринчиси геологик омиллар ҳисобланади. Уларга дарёлар ҳавзаларининг геологик тузилиши, улар юзаларини қоплаган тоғ жинсларининг литологик таркиби ва бошқалар киради. Иккинчи, яъни рельеф омили - дарёлар ҳавзаларидан тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллигини белгилайди. Муаллақ оқизикларнинг шаклланишига рельеф, яъни учинчи омилнинг таъсири иқлимий омиллар билан биргаликда янада ёрқинроқ намоён бўлади. Тўртинчи омил – дарёлар ҳавзаларининг тупроқ-ўсимлик қопламидир.

Иқлим омили гидрологик жараёнларда ўта муҳим ҳисобланади. Иқлимий омиллар – ҳаво ҳарорати, атмосфера ёғинлари, уларнинг ёғиш тури, жадаллиги, микдори, давомийлиги ва бошқа кўрсаткичлари дарёлар оқизикларининг ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнайди. Ҳаво ҳарорати таъсирида тоғ музликлари ва қор қопламининг эришидан, шунингдек, ёмғирлардан ҳосил бўлган юза оқим ҳамда ўзандиги сув оқими дарёлар оқизикларини ҳаракатлантирувчи омиллардир. Диссертацияда асосий эътибор айнан шу масалаларни тадқиқ этишга қаратилган.

Диссертация ишининг **иккинчи боби “Тоғ дарёлари муаллақ оқизикларини генезиси бўйича таҳлил қилиш усулининг вариантлари”** деб номланган. Унда тоғ дарёлари муаллақ оқизикларини генезиси бўйича таҳлил қилиш усулининг қуйидаги вариантлари кўриб чиқилган: 1) дарёлар суви лойқалиги хронологик графигини бўлақларга ажратиш; 2) дарёлар муаллақ оқизиклари оқимини термик таҳлил қилиш; 3) дарёлар муаллақ оқизиклари билан табиий омиллар орасидаги кўпхадли боғланишларни статистик баҳолаш. Ишда ушбу вариантларнинг моҳияти, уларни гидрологик ҳисоблашлар амалиётида қўллаш икониётлари қиёсий таҳлил қилинган.

Муаммонинг ўрганилиш тарихи В.Г.Глушков, А.П.Бурдыкина, Г.В.Лопатин, Г.И.Шамов, К.С.Кабанова, Б.В.Поляков, В.Л.Шульц, О.П.Щеглова ва бошқаларнинг тадқиқотлари билан боғлиқ. Кейинчалик, ушбу масалани ўрганиш А.Р.Расулов, З.С.Сирлибаева, Ф.Ҳ.Ҳикматов, С.Р.Саидова, Ҳ.К.Ташметов ва бошқалар томонидан изчил давом эттирилган. Натижада улар тоғ дарёлари муаллақ оқизикларини генезиси бўйича таҳлил қилиш усулининг бир нечта вариантларини ишлаб чиққанлар.

***Дарёлар суви лойқалиги хронологик графигини бўлақларга ажратиш.***

Ушбу вариантда бирламчи манба сифатида дарёлар суви лойқалиги, ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинларининг йил давомидаги кундалик маълумотларидан фойдаланилган. Уларнинг йиллик хронологик графиклари биргаликда чизилган, ушбу графиклар дарёлар сув режимининг фазалари ҳақида ҳам ахборот беради. Хусусан, тўлинсув даврида дарё сувида лойқалик катта бўлса, кам сувли – межень даврида унинг акси кузатилади.

Мазкур вариантда комплекс график таҳлил қилиниб, дастлаб, ёмғир сувларидан шаклланган лойқалик миқдори ( $\rho_{\text{ё}}$ , г/м<sup>3</sup>) ҳисобланган:

$$\rho_{\text{ё}} = \rho - \rho_0, \quad (1)$$

бу ерда:  $\rho$  - дарё сувининг ёмғирли тошқин кунларидаги лойқалиги;  $\rho_0$  - ёмғирли тошқиндан олдинги лойқалик.

Ёмғир сувлари ҳисобига ювилган тупроқ-грунтлар – муаллақ оқизиклар оқими миқдори ( $W_{\text{ё}}$ , тонна) қуйидаги ифода билан ҳисобланган:

$$W_{\text{ё}} = 0,0864 \cdot \sum_{i=0}^n Q_i \cdot \rho_{i\text{ё}}, \quad (2)$$

бу ерда:  $Q_i$  ва  $\rho_{i\text{ё}}$  – мос равишда, ёмғирли тошқин кунларидаги сув сарфи (м<sup>3</sup>/с) ва ёмғир сувлари ҳисобига шаклланган лойқалик (г/м<sup>3</sup>).

Диссертацияда мазкур вариант ёрдамида муаллақ оқизикларнинг ёмғир ва қор сувлари ҳамда ўзандан ювилиш ҳисобига шаклланган миқдорларини ҳисоблашлар кетма-кетлиги ҳамда уни гидрометеорологик катталикларнинг декадали маълумотлари асосида қўллаш имкониётлари ҳам мисолларда келтирилган.

Мазкур вариантни амалиётда қўллаш, алоҳида қайд этиш лозимки, катта ҳажмдаги кундалик гидрометеорологик маълумотлар баъзасини ва улар асосида бажариладиган махсус гидрологик ҳисоблашларни талаб қилади.

***Дарёлар муаллақ оқизиклари оқимини термик таҳлил қилиш.*** Мазкур вариант дарёлар суви лойқалиги ( $\rho$ , г/м<sup>3</sup>) билан ҳаво ҳарорати ( $t$ , °С) кундалик қийматларининг ўзаро боғлиқлигига асосланган. Шу мақсадда  $\rho = f(t)$

боғланиш графиги лойқалик ва ҳаво ҳароратининг ўртача уч ёки беш кунлик маълумотлари асосида чизилади. Ундан тупроқ-грунтларнинг ёмғир сувлари, эриган қор ва музлик сувлари ҳисобига ювилиш миқдорларини аниқлашда фойдаланилган. Графикда лойқаликнинг ҳаво ҳароратига боғлиқлигини ифодаловчи ҳалқасимон эгри чизик билан чегараланган майдон ёмғир сувлари ҳисобига ҳосил бўлган оқизиклар миқдорини ифодалайди.

Ушбу вариант эриган қор ва музликлар сувларидан шаклланган муаллақ оқизиклар миқдорини аниқлашда ҳам қўлланилган. Маълумки, дарё ўзанида ҳаракатланаётган оқизиклар миқдори ҳаво ҳароратининг кўтарилишига мос ҳолда ортиб боради. Айнан ушбу қонуният эриган қор ва музликлар сувлари ҳисобига ювилиш миқдорини баҳолаш имконини берган.

Дарёлар ўзанлари тубидан тупроқ-грунтлар ювилиши, яъни ўзан емирилишидан ҳосил бўлган муаллақ оқизиклар миқдорини аниқлашда дарёлар суви лойқалиги ( $\rho$ , г/м<sup>3</sup>) билан сув сарфлари ( $Q$ , м<sup>3</sup>/с) нинг кундалик маълумотлари орасидаги боғланиш графигидан фойдаланилган.

Диссертацияда мазкур вариантни гидрологик ҳисоблашлар амалиётида қўллаш катта ҳажмдаги бирламчи гидрометеорологик маълумотлар базасини яратишни, шунингдек, улар асосида махсус ҳисоблаш ишларини бажаришни талаб қилиши алоҳида таъкидланган.

***Дарёлар муаллақ оқизиклари оқими билан табиий омиллар орасидаги кўпҳадли боғланишларни статистик баҳолаш.*** Тоғ дарёлари муаллақ оқизикларини генезиси бўйича таҳлил қилиш усулининг мазкур варианты О.П.Щеглова ва Ҳ.К.Ташметовлар томонидан ишлаб чиқилган. Унда дарёлар ҳавзаларидан тупроқ-грунтлар ювилишининг қуйидаги омиллари ҳисобга олинган: 1) дарё ҳавзаси майдони ( $F$ , км<sup>2</sup>); 2) ҳавзанинг ўртача баландлиги ( $H_{ўрт}$ , м); 3) рельеф омили ( $i$ , %); 4) ҳавзадаги музликлар майдони ( $F_{муз}$ , км<sup>2</sup>); 5) геологик омиллар; 6) ўсимлик қоплами; 7) ўртача йиллик ҳаво ҳарорати ( $t$ , °С); 8) оқим модули ( $M$ , л/с·км<sup>2</sup>); 9) сейсмик фаоллик коэффиценти ( $K_c$ ).

Мазкур вариантда дарёлар ҳавзаларининг сейсмик фаоллиги ва музланиш майдони, муаллифлар томонидан илк бор ҳисобга олинган. Таъкидлаш лозимки, дарёлар ҳавзаларидан тупроқ-грунтлар ювилишининг ушбу омиллари орасида геологик омиллар ва ўсимлик қоплами омиллини рақамларда ифодалаш бир мунча субъектив характерга эга. Бу ҳолат мазкур вариантни келажакда янада такомиллаштириш лозимлигига ишорадир.

Тоғ дарёлари муаллақ оқизикларини генезиси бўйича таҳлил қилиш усули вариантларининг тавсифларидан маълум бўлдики, уларни амалиётда қўллашда катта ҳажмдаги гидрологик, метеорологик, гляциологик, геоморфологик, геологик ва ботаник маълумотлар зарур бўлади. Шу билан бирга, улар асосида бажариладиган гидрологик ҳисоблашларда субъективлик элементлари мавжуддир. Аниқроғи, ушбу ҳолатлар тадқиқотчидан юксак малака билан бир қаторда, катта меҳнат ва, табиийки, кўп вақт сарфлашни талаб қилади. Айнан шу жиҳатлар тоғ дарёлари муаллақ оқизикларини генезиси бўйича таҳлил қилиш усулининг, математик аппарат заминида яратилган замонавий ҳисоблаш

технологияларига асосланган, янги – объектив вариантыни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Диссертация ишининг учинчи боби “Тоғ дарёлари муаллақ оқизикларини генетик таҳлил қилиш усули янги вариантынинг назарий асослари ва уни амалиётда қўллаш босқичлари” деб номланган. Мазкур боб тоғ дарёлари муаллақ оқизикларини генезиси бўйича таҳлил қилиш усулининг янги вариантыни ишлаб чиқишга бағишланган. Дастлаб, тадқиқотда корреляцион боғланишларнинг объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш усуллари кўллашнинг назарий асослари ёритилган. Сўнг тоғ дарёлари муаллақ оқизикларини генетик таҳлил қилиш усули янги вариантыни гидрологик ҳисоблашлар амалиётида қўллаш босқичлари кетма-кетлиги баён этилган.

Маълумки, Г.А.Алексеев таклиф этган корреляцион боғланишларни объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш усуллари В.И.Бабкин, Н.Н.Бобровицкая, Ф.Х.Ҳикматов ва бошқалар томонидан гидрометеорологиянинг турли соҳаларида кенг қўлланилган ва ижобий натижаларга эришилган. Диссертацияда мазкур усулларни дарёлар муаллақ оқизикларини генезиси бўйича таҳлил қилишда қўллашнинг назарий асослари баён қилинган. Бунда асосий гидрометеорологик ўзгарувчилар сифатида: дарёлар муаллақ оқизикларининг ўртача йиллик сарфлари ( $R$ , кг/с); совуқ ( $X_{X-III}$ , мм) ва илик ( $X_{IV-IX}$ , мм) ярим йилликлардаги ёғинлар йиғиндилари; илик ярим йилликдаги ўртача ҳаво ҳарорати ( $\bar{t}_{IV-IX}$ ,  $^{\circ}C$ ) қийматлари қабул қилинган.

Ҳисоблашлар қуйидаги кетма-кетликда бажарилган. Дастлаб, гидрометеорологик ўзгарувчилар қаторларининг қийматлари ўсиб бориш тартибига келтирилган. Сўнг уларнинг тартиб (ранг) рақамлари ва улар асосида қатор аъзоларининг эмпирик эҳтимолликлари аниқланган:

$$P_m = \frac{m-0,25}{N+0,25}, \quad (3)$$

бу ерда:  $m$  – қатор аъзоларининг ўсиб бориш тартибидаги ранг рақами,  $N$  – қатор аъзолари сони.

Гидрометеорологик ўзгарувчиларнинг нормаллаштирилган қийматлари қуйидаги интеграл функция:

$$P_j(X_{ji}) = P_m = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{U_m} e^{-\frac{U^2}{2}} \cdot dU = \Phi(U_m), \quad (4)$$

бўйича тескари функция ёки уларнинг квантиллари сифатида аниқланган:

$$U_m = F[P_m] = F[P_j(X_{ji})] = U_j(X_{ji}), \quad (5)$$

ифодаларда:  $j$  – гидрометеорологик ўзгарувчиларнинг тартиб рақами, масалан, бу ерда  $j = 0, 1, 2, 3$ ;  $i$  – қатор аъзоларининг тартиб рақами,  $i = 1, 2, \dots, N$ .

Навбатдаги босқичда ўзгарувчиларнинг (5) ифода ёрдамида ҳисобланган нормаллаштирилган қийматларининг жуфт кўпайтмалари аниқланган. Уларнинг йиғиндилари асосида эмпирик ковариация коэффицентлари ( $\mu_{01}, \mu_{02}, \mu_{03}, \mu_{12}, \mu_{13}, \mu_{23}$ ) ҳисобланган:

$$\mu_{jj}(N) = \frac{1}{N-1} \sum_{i=1}^N U_{ji}(X_0) \cdot U_{ji}(X_1). \quad (6)$$

Ковариация коэффициентларининг (6) ифода ёрдамида аниқланган қийматлари асосида ўзгарувчиларнинг жуфт корреляция коэффициентлари  $(r_{01}, r_{02}, r_{03}, r_{12}, r_{13}, r_{23})$  қуйидаги ифода билан ҳисобланган:

$$r_{jj} = \frac{\mu_{ji}(N)}{\sigma_u^2(N)}, \quad (7)$$

бу ерда:  $\sigma_u^2(N)$ - эмпирик дисперсия, қуйидаги ифода билан ҳисобланган:

$$\sigma_u^2(N) = \frac{1}{N-1} \sum_{i=1}^N U_{ji}(X_0). \quad (8)$$

Кўп ҳадли боғланишлар нормаллаштирилган тенгламаларининг номаълум регрессия коэффициентлари  $(\alpha_{01}, \alpha_{02}, \alpha_{03})$  қуйидаги чизиқли тенгламалар системасини ечиш йўли билан аниқланган:

$$\begin{cases} \alpha_{01} + r_{12} \cdot \alpha_{02} + r_{13} \cdot \alpha_{03} = r_{01} \\ r_{12} \cdot \alpha_{01} + \alpha_{02} + r_{23} \cdot \alpha_{03} = r_{02} \\ r_{13} \cdot \alpha_{01} + r_{23} \cdot \alpha_{02} + \alpha_{03} = r_{03} \end{cases} \quad (9)$$

Регрессия коэффициентларининг қийматлари қуйидаги умумий кўринишдаги нормаллаштирилган тенгламани тузиш имконини берган:

$$U_0(X_0) = \alpha_{01} \cdot U_1(X_1) + \alpha_{02} \cdot U_2(X_2) + \alpha_{03} \cdot U_3(X_3). \quad (10)$$

Нормаллаштирилган регрессия тенгламаси аниқлигининг кўрсаткичи – тўлиқ корреляция коэффициенти  $(r_0)$  қуйидаги ифода билан ҳисобланган:

$$r_0 = \sqrt{|r_{01} \cdot \alpha_{01}| + |r_{02} \cdot \alpha_{02}| + |r_{03} \cdot \alpha_{03}|}. \quad (11)$$

Тўлиқ корреляция коэффициентининг хатолиги, аргументлар сони  $(\ell)$  ва қатор аъзолари сони  $(N)$ га боғлиқ ҳолда, қуйидаги ифода билан ҳисобланган:

$$\sigma_{r_0} = \pm 0,674 \frac{1 - r_0^2}{\sqrt{N - \ell}}. \quad (12)$$

Ҳар бир дарё нормаллаштирилган тенгламаси (10)га ўзгарувчиларнинг қўшган ҳиссалари  $[\delta(X_1), \delta(X_2), \delta(X_3)]$  қуйидаги ифода билан аниқланган:

$$\delta(X_j) = \frac{r_{0j} \cdot \alpha_{0j}}{r_0}. \quad (13)$$

Дарёлар муаллақ оқизикларини генезиси бўйича таҳлил қилишнинг янги вариантини ишлаб чиқишда Г.А.Алексеев усулининг қўлланилиши айнан шу жиҳати билан муҳимдир. Диссертацияда, ўрганилган дарёлар муаллақ оқизиклари билан уларга таъсир этувчи омиллар орасидаги кўп ҳадли боғланишлар зичлигини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар, жумладан, жуфт корреляция коэффициентлари  $(r_{01}, r_{02}, r_{03}, r_{12}, r_{13}, r_{23})$ , регрессия коэффициентлари  $(\alpha_{01}, \alpha_{02}, \alpha_{03})$  ва тўлиқ корреляция коэффициентлари  $(r_0 \pm \sigma_{r_0})$  юқорида келтирилган ифодалар ёрдамида аниқланган. Ҳисоблашлар, олинган натижаларни солиштиришда бир хилликни таъминлаш мақсадида,

О.П.Щеглова тадқиқотларида қабул қилинган ҳисоб йилларига мос ҳолда амалга оширилган (1-жадвал).

1– жадвал

Дарёлар муаллақ оқизиклари сарфлари билан иқлимий омиллар орасидаги боғланишлар статистик кўрсаткичларининг ўзгариш чегаралари

Тўйи - ниш тип	n	Ўзгариш чегаралари			
		$\frac{r_{R_{\bar{y}}, X_{с\bar{y}}}}{\alpha_{01}}$	$\frac{r_{R_{\bar{y}}, X_{и\bar{y}}}}{\alpha_{02}}$	$\frac{r_{R_{\bar{y}}, \bar{t}_{и\bar{y}}}}{\alpha_{03}}$	$r_0 \pm \sigma_{r_0}$
<b>Амударё ҳавзаси</b>					
ҚЁ	3	$\frac{0,547 \div 0,768}{0,521 \div 0,613}$	$\frac{0,593 \div 0,701}{0,339 \div 0,700}$	$\frac{-0,355 \div -0,111}{-0,220 \div -0,070}$	$0,826 \pm 0,063 \div 0,890 \pm 0,048$
Қ	4	$\frac{0,598 \div 0,807}{0,435 \div 0,624}$	$\frac{0,419 \div 0,712}{0,347 \div 0,513}$	$\frac{-0,319 \div 0,122}{-0,154 \div 0,104}$	$0,795 \pm 0,061 \div 0,860 \pm 0,043$
ҚМ	3	$\frac{0,176 \div 0,389}{0,299 \div 0,637}$	$\frac{-0,121 \div 0,311}{-0,238 \div 0,430}$	$\frac{0,480 \div 0,576}{0,596 \div 0,709}$	$0,692 \pm 0,087 \div 0,769 \pm 0,070$
М	4	$\frac{-0,322 \div 0,112}{-0,292 \div 0,119}$	$\frac{-0,232 \div -0,061}{-0,296 \div -0,194}$	$\frac{0,667 \div 0,764}{0,648 \div 0,898}$	$0,739 \pm 0,081 \div 0,815 \pm 0,058$
<b>Сурдарё ҳавзаси</b>					
ҚЁ	4	$\frac{0,606 \div 0,695}{0,524 \div 0,567}$	$\frac{0,497 \div 0,592}{0,304 \div 0,457}$	$\frac{-0,314 \div -0,076}{-0,341 \div -0,059}$	$0,722 \pm 0,102 \div 0,804 \pm 0,067$
Қ	2	$\frac{0,628 \div 0,690}{0,520 \div 0,619}$	$\frac{0,452 \div 0,586}{0,242 \div 0,340}$	$\frac{-0,290 \div -0,242}{-0,096 \div -0,045}$	$0,740 \pm 0,090 \div 0,744 \pm 0,089$
ҚМ	1	$\frac{0,222}{0,418}$	$\frac{-0,082}{-0,196}$	$\frac{0,472}{0,621}$	$0,634 \pm 0,107$
<b>Чуй, Талас дарёлари ва Иссиқкўл ҳавзалари</b>					
ҚЁ	2	$\frac{0,377 \div 0,428}{0,316 \div 0,359}$	$\frac{-0,466 \div 0,518}{-0,529 \div 0,540}$	$\frac{0,102 \div 0,241}{0,247 \div 0,365}$	$0,652 \pm 0,098 \div 0,683 \pm 0,099$
ҚМ	2	$\frac{0,318 \div 0,346}{0,318 \div 0,358}$	$\frac{-0,238 \div 0,281}{-0,327 \div 0,328}$	$\frac{0,384 \div 0,421}{0,385 \div 0,435}$	$0,596 \pm 0,112 \div 0,607 \pm 0,113$

Изоҳ: ҚЁ – қор-ёмғир, Қ - қор, ҚМ - қор-музлик, М - музлик сувларидан тўйинувчи типлар; n - кузатиш пунктлари сони;  $r_{R_{\bar{y}}, X_{с\bar{y}}}$ ,  $r_{R_{\bar{y}}, X_{и\bar{y}}}$ ,  $r_{R_{\bar{y}}, \bar{t}_{и\bar{y}}}$  – жуфт корреляция коэффициентлари;  $\alpha_{01}$ ,  $\alpha_{02}$ ,  $\alpha_{03}$  - регрессия коэффициентлари;  $r_0 \pm \sigma_{r_0}$  – тўлиқ корреляция коэффициентлари ва унинг хатолиги.

Дарёларнинг муаллақ оқизиклари оқими миқдорини баҳолаш имконини берадиган нормаллаштирилган регрессия тенгламалари, умумий ҳолда, кўйидаги кўринишда тузилган:


